

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**468** Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида

«Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2014 йил 6 февралдаги ПҚ–2124-сон қарорига мувофиқ, шунингдек мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни янада ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида кўп квартиралли уйлар қуриш ҳамда мавжуд фойдаланилмаётган ва қурилиши тугалланмаган объектларни ёш оилалар учун кўп квартиралли (кейинги ўринларда «Камолот» уйлари деб аталади) уйлар этиб реконструкция қилиш;

«Камолот» уйларидаги квартираларни тижорат банклари томонидан имтиёзли ипотека кредитлари ажратиш йўли билан мулк қилиб ёш оилаларга ушбу қарорга мувофиқ «Камолот» уйларидаги сотиб олинган квартиралар қийматини тўлаш учун, бошланғич бадал тўламасдан, Ўзбекистон

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.*

Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасига тенг бўлган фоизли ставка билан 20 йил муддатга, шу жумладан 5 йиллик имтиёзли даврга бериш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Белгилансинки:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати «Камолот» уйлари қуриш ва реконструкция қилишнинг буюртмачилари ҳисобланади;

квартиралар қийматини мақбуллаштириш мақсадида уйларни қуриш, қоидага кўра, мавжуд қурилиши тугалланмаган бинолар ва бошқа объектларни, уй-жойларни тегишли инфратузилма билан таъминлашни ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш учун энг қулай лойиҳалар бўйича реконструкция қилиш шаклида амалга оширилади;

«Камолот» уйлари жойлаштириш учун мўлжалланган объектларни қуриш ва реконструкция қилиш доирасида буюртмачи ёки пудрат ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан ошмайдиган фоизли ставка билан 5 йилгача муддатга бериладиган тижорат банклари кредитларини жалб этишлари мумкин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрдаги ПҚ-1666-сон қарори билан тузилган Ҳукумат комиссиясига ёш оилалар учун уй-жой объектларининг ўз вақтида фойдаланишга топширилишини таъминлаш ишларини мувофиқлаштириб бориш юклансин.

4. «Камолот»нинг кўп квартиралар уйларида ёш оилаларга квартиралар бериш масалаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда «Камолот» уйларига айлантириш учун реконструкция қилишга босқичма-босқич бериш мақсадида мавжуд фойдаланилмаётган ва қурилиши тугалланмаган объектларнинг манзилли рўйхатларини тасдиқлаш учун уларнинг тўлиқ хатловдан ўтказилишини ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари буюртмачилар билан биргаликда, ўтказилган хатлов асосида:

мавжуд фойдаланилмаётган ва қурилиши тугалланмаган объектларни «Камолот» уйларига айлантириш учун реконструкция қилишнинг титул рўйхатларини белгиланган тартибда Ҳукумат комиссияси билан келишилишини;

пудрат ташкилотларини аниқлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини;

қурилишларнинг узил-кесил манзилли рўйхатлари белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласинлар.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 январдаги 2-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 1-сон, 1-модда) билан тасдиқланган Уй-жой қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисидаги низомга 2-иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

8. Вазирликлар ва идоралар ўзларининг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Б.И. Закиров ва А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 8 сентябрь,  
250-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2014 йил 8 сентябрдаги 250-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**«Камолот»нинг кўп квартирали уйларидан ёш оилаларга  
квартиралар бериш масалаларини кўриб чиқиш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2014 йил 6 февралдаги ПҚ–2124-сон қарорига мувофиқ «Камолот»нинг кўп квартирали уйларидан ёш оилаларга квартиралар (кейинги ўринларда квартиралар деб аталади) бериш масалаларини кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ёш оилалар** — рўйхатдан ўтказилган никоҳга биринчи марта кирган, ушбу Низомга мувофиқ «Камолот»нинг кўп квартирали уйларидан квартираларни ипотека кредити асосида сотиб олиш учун ҳисобга қўйиш тўғрисида ариза берилган пайтда ҳар бирининг ёши 30 ёшдан ошмайдиган эр-хотинлар;

**ҳудудий комиссия** — ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ таркибда Ко-

рақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ташкил этиладиган ҳамда тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланадиган «Камолот»нинг кўп квартирали уйларидан ёш оилаларга квартираларни ипотека кредити асосида сотиб олиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссия;

**тавсиянома** — «Камолот» ЁИХ Марказий кенгаши томонидан берилган тавсиянома имтиёзли ипотека кредитини олувчи билан кредит олувчи доимий рўйхатдан ўтказилган жойда жойлашган тижорат банки ўртасида ипотека кредити бериш тўғрисида шартнома тузиш учун асос ҳисобланади.

3. Квартиралар ёш оилаларга тижорат банклари томонидан сотиб олинган квартира қийматини тўлаш учун, шу жумладан 5 йиллик имтиёзли давр билан, дастлабки бадални тўламасдан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасига тенг фоизли ставка билан 20 йил муддатга бериладиган имтиёзли ипотека кредитлари ажратиш йўли билан мулк қилиб берилади.

Ёш оилаларнинг квартира сотиб олиш тўғрисидаги муурожаатларини кўриб чиқиш ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ схемага биноан амалга оширилади.

## II. Квартира бериш учун ёш оилаларни ҳисобга олиш

4. Квартираларни ипотека кредити асосида сотиб олиш ҳуқуқига турар жой шароитларини яхшилашга муҳтожлар сифатида ҳисобда турган ҳамда фан, санъат, адабиёт, спорт соҳасида ва бошқа соҳаларда юксак натижаларга эришган ёш оилалар (қоидага кўра, давлат мукофотлари, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони соҳиблари, нуфузли халқаро ва республика мусобақалари, танловлар ва олимпиадалар совриндорлари) эга бўладилар.

5. Турар жой шароитларини яхшилашга муҳтожлар сифатида ёш оилаларни ҳисобга қўйиш қўйидаги шартлардан бири мавжуд бўлган тақдирда:

а) эр-хотинлар доимий рўйхатдан ўтиш жойи бўйича ёш оила ижара шартларида ёки яшаш учун яроқсиз бинолардаги турар жойда яшайдиган жой бўйича уй-жой мулкдори бўлмаса;

б) оила аъзолари орасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ сурункали касалликларнинг ўткир шаклларида азоб чекувчи ва алоҳида квартирада яшашга муҳтож бўлган шахслар бор бўлса «Камолот» ЁИХ Марказий кенгаши томонидан амалга оширилади.

6. Ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган асослар мавжуд бўлган тақдирда эр-хотинларнинг хоҳиши бўйича ёш оила бир ёки бир вақтнинг ўзида барча асослар бўйича ҳисобга қўйилиши мумкин.

7. Турар жой шароитларини яхшилашга муҳтожлар сифатида ёш оила-

ни ҳисобга қўйиш учун эр-хотиндан бири доимий рўйхатдан ўтиш жойи бўйича «Камолот» ЁИХ туман (шаҳар) кенгашига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) «Камолот» ЁИХ туман (шаҳар) кенгаши раиси номига ариза;  
 б) никоҳ тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;  
 в) оиланинг таркиби тўғрисида яшаш жойидан берилган маълумотнома ва оила аъзоларининг паспортлари (туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар) нусхалари;

г) яшаш жойи бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган ёш оиланинг турар жой шароитлари ушбу Низомнинг 5-бандида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги тўғрисидаги маълумотнома;

д) иш берувчининг муҳри билан тасдиқланган меҳнат дафтарчаси нусхаси;

е) доимий иш жойидан берилган ариза берувчининг (оила аъзоларининг) охириги 12 ойдаги даромадлари тўғрисидаги маълумотномалар ёки уларнинг яшаш жойи бўйича давлат солиқ хизмати органи томонидан тасдиқланган ариза берувчининг (оила аъзолари — эр ва хотиннинг) охириги 12 ойдаги даромадлари тўғрисидаги декларацияларнинг нусхалари;

ж) Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг ҳудудий бўлинмаси томонидан берилган эр-хотинда мулк ҳуқуқи билан турар жой йўқлиги тўғрисидаги маълумотнома;

з) ёш оила ушбу Низомнинг 4-банди талабларига мувофиқлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар.

8. Ҳужжатлар «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати туман (шаҳар) кенгашининг масъул шахси томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, уларнинг нусхалари тилхат остида ҳужжатлар қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига топширилади.

Ариза турар жой беришга аризаларни рўйхатга олишнинг алоҳида журналида рўйхатдан ўтказилади.

9. «Камолот» ЁИХнинг туман (шаҳар) кенгаши олинган ҳужжатларни улар қабул қилиб олинган кундан бошлаб икки кун муддатда кўриб чиқиш учун Ҳудудий комиссияга юборади.

10. Ҳудудий комиссия ҳужжатлар «Камолот» ЁИХнинг туман (шаҳар) кенгашига тақдим этилган кундан бошлаб 10 иш куни мобайнида тақдим этилган ҳужжатларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини ҳар томонлама ўрганади, барча ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини текширади. Бунда, ҳужжатларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини текшириш, шунингдек унинг ҳақиқийлиги учун ҳудудий комиссия жавоб беради.

Ҳудудий комиссия жойнинг ўзига чиқиб ариза берувчининг турар жой шароитларини, кредитга лаёқатлилигини (ариза берувчи ва оила аъзоларининг даромадини) ўрганади. Ўрганиш натижалари бўйича текшириш далолатномасини тузади.

Кўриб чиқиш натижалари бўйича ҳудудий комиссия ёш оилани турар жой шароитларини яхшилаш учун муҳтож сифатида ҳисобга қўйиш ёки ҳисобга қўйишни рад этиш тўғрисида хулоса тузади.

Ҳисобга қўйиш тўғрисидаги хулоса, текшириш далолатномаси тақдим этилган ҳужжатлар илова қилинган ҳолда уч кун муддатда «Камолот» ЁИХ Марказий кенгашига юборилади.

11. Ҳисобга қўйишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда ҳудудий комиссия икки кун муддатда ҳужжатлар ва хулосани рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда «Камолот» ЁИХ туман (шаҳар) кенгашига юборади.

«Камолот» ЁИХ туман (шаҳар) кенгаши икки кун муддатда ариза берувчилар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни қайтарган ҳолда рад этиш сабаблари тўғрисида уларни ёзма равишда хабардор қилади.

12. «Камолот» ЁИХ Марказий кенгаши ҳудудий комиссиялар томонидан тақдим этилган хулоса ва ҳужжатларни кўриб чиқиб ёш оилани уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож сифатида ҳисобга қўйиш ёки ҳисобга қўйишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

13. Ҳисобга қўйиш ёки ҳисобга қўйишни рад этиш тўғрисидаги қарор «Камолот» ЁИХ Марказий кенгаши томонидан ҳужжатлар тегишли ҳудудий комиссия томонидан тақдим этилган кундан бошлаб 5 иш кунидан кечикмай қабул қилинади.

14. «Камолот» ЁИХ Марказий кенгаши ҳисобга қўйиш ёки ҳисобга қўйишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 5 иш кунидан кечикмай қарорни тегишли ҳудудий комиссияга юборади.

15. Ҳудудий комиссия 5 иш куни мобайнида «Камолот» ЁИХ Марказий кенгаши томонидан қабул қилинган қарор тўғрисида ариза берувчини ва «Камолот» ЁИХ туман (шаҳар) кенгашини ёзма равишда хабардор қилади.

Ушбу Низомнинг 4 ва 5-бандларида келтирилган асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда, шунингдек агар тақдим этилган ҳужжатлар ушбу Низомнинг 7-банди талабларига мувофиқ бўлмаган тақдирда ҳисобга қўйиш рад этилиши мумкин.

### **III. Ёш оилаларга ипотека кредити асосида квартиралар бериш**

16. «Камолот» ЁИХ Марказий кенгашининг тавсияномаси (ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича) ҳисобда турган ёш оилаларга улар учун зарур бўлган турар жой майдони мавжудлигидан келиб чиқиб кетма-кетлик тартибида тақдим этилади.

Ҳисобга қўйиш санаси, агар ҳолатлар тенг бўлган ҳолларда — уй-жой билан таъминланганлик даражасидан келиб чиқиш квартирани ипотека кредити асосида сотиб олиш изчиллигини аниқлашнинг асосий шарти ҳисобланади.

17. Агар:

эр-хотиннинг ҳар иккиси етимлар — «Меҳрибонлик уйлари» тарбияланувчилари бўлса;

имтиёзли ипотека кредити олувчи оила аъзоларининг бири ёки бир нечтаси ушбу Низомнинг 5-бандига мувофиқ сурункали касалликларнинг ўткир шаклларида азоб чекса, «Камолот» ЁИХ Марказий кенгашининг тавсияномаси навбатдан ташқари берилади.

18. «Камолот» ЁИХ Марказий кенгаши тавсиянома бериш билан бир вақтда тегишли пудрат қурилиш ташкилотларига белгиланган тартибда квартираларга олди-сотди шартномаларини тузиш учун тавсиянома олган шахслар рўйхатини юборadi.

Пудрат қурилиш ташкилотлари рўйхатлар олинган кундан бошлаб ўн иш куни мобайнида улар асосида квартираларнинг олди-сотди шартномалари тузилишини таъминлайди.

#### IV. Яқунловчи қоида

19. «Камолот» ЁИХ Марказий кенгаши йилнинг ҳар чорагида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига имтиёзли ипотека кредитларини олиш учун берилган ҳужжатлар кўриб чиқилиши ва квартиралар ажратиши тўғрисидаги ахборотни киритади.

«Камолот»нинг кўп квартирали уйларида  
ёш оилаларга квартиралар бериш масалалари  
ни кўриб чиқиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

#### **«Камолот»нинг кўп квартирали уйларидаги квартираларни ипотека кредити асосида сотиб олиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича ҳудудий комиссияларнинг НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

1. «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари раислари — комиссия раиси.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосарлари — комиссия раисининг ўринбосари.

3. Туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари раҳбарлари.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳудудий бошқармаси раҳбари.

6. «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ҳудудий, туман (шаҳар) бўлинмалари раҳбарлари.


7. Молиялаштирувчи тижорат банкларининг минтақавий ва туман филиаллари раҳбарлари.



«Камолот»нинг кўп квартирали уйларидаги ёш оилаларга квартиралар бериш масалаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

468-модда

**«Камолот»нинг кўп квартирали уйларидаги квартираларни ипотека кредити асосида сотиб олиш тўғрисида шартномалар тузиш учун тавсияларни ёш оилаларга тақдим этиш СХЕМАСИ**



— 30 —

37 (641)-сон

«Камолот»нинг кўп квартиралли уйларидан ёш оилаларга квартиралар бериш масалаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга  
З-ИЛОВА

**Тегишли тижорат банкига тақдим этиш учун «Камолот»  
ЁИХ Марказий кенгашининг уй-жойга муҳтожлар  
сифатида ҳисобга қўйилган ёш оилаларга  
ТАВСИЯНОМАСИ ШАКЛИ**

|   |                           |
|---|---------------------------|
| <b>ТАВСИЯНОМА ДК 000000</b>   |                           |
| 19__ йилда туғилган Ўзбекистон Республикаси фуқароси _____  | _____ га                  |
| (Ф.И.О., паспортидаги маълумотлар)  |                           |
| _____ манзили бўйича «Камолот»нинг<br>(Камолот» уйи манзили)  |                           |
| кўп квартиралли уйдан квартира сотиб олиш тўғрисида _____<br>_____ билан шартнома тузиш учун берилди.   |                           |
| Тавсиянома «Камолот» ЁИХ Марказий кенгашининг 201__ йил<br>«__» _____ даги _____-сон қарорига мувофиқ берилди.  |                           |
| (тавсияномани олган ариза берувчи ёки ишончли шахснинг Ф.И.О.)  |                           |
| 201__ йил «__» _____<br>(берилган сана)   | _____ (олувчининг имзоси) |
| <i>Орқа томони</i>  |                           |
| Ушбу тавсия Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг<br>«Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этувчи ёш оилаларни турар<br>жой билан таъминлашни янада кўллаб-қувватлаш тўғрисида» 2014 йил<br>8 сентябрдаги 250-сон қарорига мувофиқ берилган. |                           |
| Ўзбекистон Республикаси «Камолот»<br>Ёшлар Ижтимоий ҳаракати<br>Марказий кенгаши раиси  | _____                     |
| Ўзбекистон Республикаси «Камолот»<br>Ёшлар Ижтимоий ҳаракати<br>Марказий кенгаши раисининг<br>ўринбосари  | _____                     |
| Ўзбекистон Республикаси «Камолот»<br>Ёшлар Ижтимоий ҳаракати<br>Марказий кенгаши аъзолари<br>(рўйхат бўйича)  | _____                     |

Вазирлар Маҳкамасининг  
2014 йил 8 сентябрдаги 250-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 январдаги 2-сон қарори билан тасдиқланган Уй-жой қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисидаги низомга киритилаётган қўшимчалар**

1. 7-банднинг 3-кичик бандига «Камолот» ёш оилалар учун кўп квартиралари уйлардаги квартираларни сотиб олишга Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан ошмайдиган фоизли ставка билан 20 йил муддатга бериладиган кредитлар бундан мустасно» сўзлари қўшилсин.

2. 10-бандга «Ёш оилалар учун «Камолот» кўп квартиралари уйларидаги квартираларни сотиб олишга кредитлар бундан мустасно» сўзлари қўшилсин.

3. 12-банднинг учинчи хатбошига «эга бўлишлари керак» сўзларидан кейин «ёш оилалар учун «Камолот» кўп квартиралари уйларидаги квартираларни сотиб олишга кредитлар бундан мустасно» сўзлари қўшилсин.

4. 25-бандда:

3-кичик бандга қуйидаги мазмундаги жумла қўшилсин:

«Ушбу маълумотнома ёш оилалар учун «Камолот» кўп квартиралари уйларидаги квартираларни сотиб олишга кредитлар олишда талаб қилинмайди»;

қуйидаги мазмундаги 5-кичик банд қўшилсин:

«5) тижорат банкларига «Камолот» ЁИХ Марказий кенгашининг ёш оилалар учун «Камолот» кўп квартиралари уйларидаги квартираларни сотиб олишга ипотека кредити бериш бўйича шартномалар тузиш учун тавсияномаси».